*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми*

# КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

иккинчи ва учинчи сменаларда ичимликлар ва сувни шишаларга қуйиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар кўпайтириш мумкин. Бироқ республикага ҳар йили бошқа регионлардан ва чет эллардан 500 тоннагача концентрациялашган мева шарбатлари ва қиёмлари келтирилмоқда, бу эса корхоналар эҳтиёжининг 85 процентини ташкил этади. Ҳолбуки Давлат агросаноат комитети бу маҳсулотларни республиканинг ўзида сифатли ишлаб чиқариш учун ҳамма имкониятларга эга.

Гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ўткир ва қийин масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Республикада гўшт ва сут етиштиришни узлуксиз кўпайтиришгина эмас, бу маҳсулотларни пухта қайта ишлашни ташкил этиш, тайёр маҳсулот чиқаришни кўпайтириш ҳам муаммо бўлиб турибди. Чорвачилик маҳсулотларини қабул қилиб олиш, ташиш ва қайта ишлашнинг таркиб топган тартиби уни тўла сақлаш ва ундан самарали фойдаланишни таъминламайди. Ҳар тўрт хўжаликнинг биттасигина сутни совитилган ҳолатда қайта ишлашга юбормоқда, мавжуд совитиш қурилмаларининг кўпи ишламаяпти. Шу йилнинг биринчи ярмида Навоий, Самарқанд ва Тошкент областларидаги хўжаликлардан қабул қилиб олинган сутнинг 20 процентдан кўпроғи бенав бўлиб чиқди. Нукус, Олмалиқ, Бухоро сут заводларида ишлаб чиқариш технологияси муттасил бузилиши оқибатида текширилган маҳсулот миқдорининг 50—60 проценти брак қилинмоқда.

Гўшт-сут саноати корхоналарида тартиб ўрнатиш, нобудгарчилик ва ўғирликларга қарши қатъий кураш, ресурслар тежаладиган технологияларни, маҳсулот чиқишининг илмий жиҳатдан асосланган нормаларини кенг кўламда жорий этиш гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтиришнинг белгиловчи омиллари бўлиб қолиши керак. Яқин 2—3 йил ичида ёғи кам ва ёғсиз сут маҳсулоти, иккинчи категориядаги ёрдамчи маҳсулотлар (калла-поча, ичак-чавоқ), оқсилли моддалар ва бошқа қўшимчалардан фойдаланиб гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида сут зардоби (ёғи олинган сут) ҳамда зардобнинг камида 80 процентидан фойдаланиш керак. Бунинг учун ҳам имкониятлар бор.

**Қайта ишлаш тармоқлари моддий базасини ривожлантиришдаги ишларнинг қониқарсиз аҳволи ана шу муаммолар бутун комплекснинг ҳал этилиши йўлида жиддий ғов бўлиб турибди.** Чорва, пахта чигитини қайта ишлаш, қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти, ёрма ва омихта ем ишлаб чиқариш қувватларини ишга солишга доир беш йилликнинг икки йили топшириғи барбод этилмоқда. Ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи вазифасини ўтаётган Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети 1987 йилда Беруний шаҳридаги қушхона қурилишини барбод этди, бу объектда планда кўзда тутилган 560 минг сўмнинг 1 сўми ҳам ўзлаштирилмади. Каттақўрғон шаҳрида болаларбоп консерва ишлаб чиқариш заводи (пудратчи— Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги) тўрт йилдан буён қурилмоқда, мазкур корхона 1987 йилдаёқ ишга туширилиши лозим эди. «Узагропромстрой», бошқа қурилиш министрликлари ва идоралари, лойиҳа ташкилотларининг раҳбарлари озиқ-овқат тармоқларини ривожланишига ўз муносабатларини тубдан ўзгартиришлари, КПСС Марказий Комитетининг агросаноат комплекси объектларини энг муҳим қурилишлар, деб қараш лозимлиги тўғрисидаги талабларининг бажарилишини таъминлашлари лозим. Шундай қилинса, биз Озиқ-овқат программасини ҳеч қачон ҳал қила олмаймиз.

**Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришда матлубот кооперациясининг имкониятларидан ниҳоятда ёмон фойдаланилаётганлиги хусусида ҳам тўхтаб ўтиш жоиз бўлади.** Ўзбекбирлашув правлениеси ва унинг раиси ўртоқ А. М. Маҳмудов суст ишламоқдалар. Уларда қайта қуриш сира сезилмаяпти. Келажакда ҳам аҳвол ўзгарадиганга ўхшамайди. Бугун пленумда ишнинг ана шу участкасидан ниҳоятда қониқмаётганлигимизни айтмоқчиман. Ўзингиз бир мулоҳаза юритиб кўринг, агар аҳоли жон бошига ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, Ўзбекбирлашув системасида мева-сабзавот консервалари ва алкоголсиз ичимликлар умуман Центросоюздагига қараганда икки баравар кам ишлаб чиқарилмоқда. Кўпчилик озиқ-овқат товарлари давлат стандарти талабларига мос эмас, уларни савдо ташкилотлари брак қилмоқда. Колбаса маҳсулотлари сифати хусусида жуда кўп эътирозлар айтилмоқда. Шу йил Навоий, Бўстонлиқ, Қува район матлубот союзларининг колбаса цехларида текшириш ўтказилганида маҳсулотнинг ҳаммаси брак қилинди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ана шундай муносабат билан бундан буён муроса қилиб бўлмайди.

Эндиликда республикамизда ҳам қанд-шакар муаммоси пайдо бўлди. Ҳозир тафсилотлар ҳақида гапириш ўринсиздир. Бугун Давлат план комитетига, Савдо министрлигига, Ўзбекбирлашувга ва шахсан Искандаров, Литвиненко ва Маҳмудов ўртоқларга шу масалани пухта ўрганиш ҳам конкрет таклифлар киритишни топширсак тўғрироқ бўлади шундагина биз республика аҳолисига бамаъни жавоб қайтарган ва ҳар хил миш-мишларга барҳам берган бўламиз.

**Нон ва нон-булка маҳсулотларининг сифати ва турлари ҳақида меҳнаткашлар кўпгина адолатли эътирозлар айтмоқдалар.** Корхоналарни реконструкция қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш суст бормоқда, нон маҳсулотларини сотишдаги камчиликларга барҳам берилмаган. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, республика Дон маҳсулотлари министрлиги, Ўзбекбирлашув нон заводларини қайта жиҳозлашни жадаллаштиришлари, ёпилаётган нон маҳсулотлари турини 15—20 тага етказишлари, ҳамма жойда нон ташиш ва нон савдосининг прогрессив усулларини жорий этишлари керак.

Ўртоқлар! Республикамиз ўртага қўйган таклифларга кўра, агросаноат комплексининг қайта ишловчи тармоқлари равнақи учун ўн учинчи беш йилликда ҳозирги беш йилликдагига нисбатан 1,7 баравар кўп капитал маблағлар ажратиш назарда тутилмоқда. Асосан реконструкциялаш ва ускуналарни модернизация қилиш эвазига мева-сабзавот консервалари, гўшт ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари 1,4 баравар, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари 1,7 баравар, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш қарийб икки баравар кўпайтирилади. Республика учун янгилик бўлган пектин, музлатилган картошка маҳсулотлари ва қуруқ нонушта ишлаб чиқаришни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Айни вақтда қайта ишлаш тармоқларининг янги корхоналари асосан қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириладиган зонада жойлаштирилади. Умуман озиқ-овқат саноатида маҳсулотнинг ўсиши ҳозирги беш йилликдаги 370 миллион сўмлик ўрнига 1,8 миллиард сўмликка етади. Шундай қилиб, агросаноат комплексининг саноат тармоқларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми қарийб 6,9 миллиард сўмликка етказилади, ёки 1, 4 мартадан кўпроқ ортади.

Ўртоқлар! Ҳаёт кўп марта тасдиқлаганидек, агар совет кишиси тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилинса, унинг меҳнат қилиши ва турмуши учун нормал шароит яратилса, у ҳар қандай вазифаларни бажаришга қодирдир. Шунинг учун ҳам Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилиши партия, совет ва хўжалик органларидан **қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш**, қишлоқ меҳнаткашларига маиший хизмат ва савдо хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ниҳоятда мураккаб комплексини албатта ҳал этишни талаб қилади.

Кўпгина агросаноат комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ана шу ниҳоятда ўткир социал муаммонинг сиёсий моҳиятини тушунмаяптилар, партия комитетлари эса бу билан муроса қилмоқдалар.

Яқинда КПСС Марказий Комитетининг секретариатида бошқа республикалар қатори ўртоқ Ғ. Ҳ. Қодировнинг ҳам агросаноат комплекси объектлари қурилишини устин даражадаги қурилиш, деб қараш тўғрисидаги партия йўл-йўриқларини бажаришда коммунист раҳбарлар интизомсизлик қилаётганликлари тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди. Ана шу масаланинг Марказий Комитетда муҳокамага қўйилиши, республика Министрлар Совети Раисининг ҳисоботи қишлоқда қурилишни кучайтириш, мураккаб социал муаммоларни тезроқ ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар кўришни таъминлашга даъват этилган.

Ҳар биримиз қишлоқ қурилишига ўз муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз, қишлоқ аҳолисига маданий, савдо, маиший ва медицина хизмати кўрсатишни яхшилашнинг қўшимча имкониятларини топишимиз керак. Шу мақсадларда колхозлар ва совхозлар маблағларини, меҳнаткашларнинг шахсий маблағларини активроқ жалб этиш, кооператив қурилишни ва объектларни хўжалик усулида бунёд этишни ривожлантириш керак.

Партия комитетлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, давлат агросаноат органлари бу масалаларни алоҳида назорат остига олишлари даркор.

**Савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш** социал соҳанинг муҳим йўналишидир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, харид учун ва хизматдан баҳраманд бўлиш учун республика аҳолиси беҳуда сарфлаётган вақт саноатдаги меҳнат ресурсларининг йиллик сарфига баробардир. Нохуш манзара кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Миллионлаб одамлар станоклар ва машиналар олдида ишлаб, тер тўкадилар ва худди шунча одам навбат кутиб туради. Навбат кутишга қарши умумхалқ юришини эълон қилиш учун ана шу фактнинг ўзи кифоядир. Ҳозирча эса савдонинг айрим раҳбарлари савдо залидаги тартибсизлик ва навбат кутиш самарали ишни намойиш этади, деб ҳисобламоқдалар. Ахир кўпинча узундан-узоқ навбат бирон-бир тақчиллик аломати эмас, балки савдо шохобчалари айрим раҳбарларининг пухта ўйланмаган, баъзан эса атайлаб қилаётган ҳатти-ҳаракатлари оқибатидир.

Ҳозир республикадаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилаётган магазинларнинг юздан биттасигина икки сменада ишламоқда, жами магазинларнинг ярмидан кўпроғи якшанба кунлари дам олмоқда, фақат бармоқ билан санаса арзигулик дўконларгина узлуксиз иш ҳафтаси графиги бўйича ишламоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш учун нечоғлик қатъият билан ҳаракат қилаётган бўлсак, савдони соғломлаштириш учун ҳам худди ана шундай қатъият билан курашишимиз зарур. Бу соҳада салбий ҳодисалар ниҳоятда илдиз отиб кетди. Масалан, савдода етарли бўлган маҳсулот турлари билан савдо қилишдаги узилишларни нима билан изоҳлаш мумкин? Яқинда Тошкентнинг Киров райони озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 33-магазинни текширишган эди. Бу дўконда гуруч, сарёғ ва ўсимлик ёғи, ва сут маҳсулотлари, тухум, ун, туз, кондитер маҳсулотлари, Тошкент минерал суви йўқ экан. Маҳсулот тури минимумига кўра, ана шу маҳсулотларнинг ҳаммаси савдода бўлиши шарт эди. Ҳозир шунга ишончим комилки, бу ерда ана шу маҳсулотларнинг ҳаммаси бор, келинг, ниҳоят, биргаликда, баҳамжиҳатлик билан ана шу масъулиятсизликка барҳам берайлик. Қадоқланган маҳсулотнинг йўқлиги қониқарсиз савдо ва навбат пайдо бўлишининг сабабларидан биридир. Саноат, республика Давлат агросаноат комитетининг бўлинмалари ана шу масалани ҳал этишдан ўзларини четга олдилар ва савдога ҳамма нарсани аралаш-қуралаш қилиб олиб келмоқдалар. Агар ишлаб чиқарилаётган ва савдога етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини юз фоиз деб оладиган бўлсак, шундан майда қадоқланган ва ўралган маҳсулот уларни умуман ишлаб чиқариш ҳажмининг 30 процентидан сал кўпроғини ташкил этмоқда. Таққослаб кўриш учун шуни айтмоқчиманки, Белоруссия, Украина ва бошқа бир қанча республикаларда қадоқлаб чиқарилган маҳсулотлар салмоғи биздагига нисбатан икки-уч баробар кўпдир. Айни вақтда Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикасида қадоқлаб чиқарилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 10—15 процентидан камроғини ташкил этмоқда, қадоқланган маҳсулотга талаб эса камида 45 процент атрофидадир. Тошкентдаги ёғ-мой комбинати шартномада назарда тутилган 80 процент ўрнига маргарин маҳсулотининг 30 процентдан сал камроғини қадоқлаб чиқармоқда. «Узптицепром» хўжаликлари парранда гўштини ўраб, тухумларни эса коробкага солиб етказиб бермаяпти. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети кондитер маҳсулотларнинг атиги 15 процентини қадоқлаб етказиб бермоқда.

Савдонинг моддий-техника базасини ривожлантириш муаммосини алоҳида муҳокама қилса арзийди. КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленумида ҳар хил идораларнинг баҳридан кечиш, уларнинг сонини камайтириш, биноларни савдо ва маиший хизмат корхоналарига ўтказиш зарурлиги таъкидланган эди. Аммо бу ишнинг бир жиҳатидир. Унинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Ана шу мақсадларга ажратилган маблағлар белгиланган муддатда ва тўла ҳажмда ўзлаштирилиши керак. Аммо маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари уй-жой қурилишига ажратилаётган капитал маблағларнинг 5 процентини савдони ривожлантиришга ажратиш ўрнига бу мақсадга 2 процентдан камроғини бермоқдалар. Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё областларида ва Қорақалпоғистон АССРда эса бундай маблағлар назарда тутилганидан 10—15 баробар кам ажратмоқдалар. Айни мана шу биргина манба ҳисобига давлат савдоси шохобчалари сўнгги икки йил мобайнида 2,5 минг одамга хизмат кўрсатадиган умумий овқатланиш корхоналарини, 75 минг квадрат метрдан кўпроқ савдо майдонини кам олдилар.

Савдо корхоналари биноларини бошқа шунга тенг келадиган объектларни бермасдан олиб қўйишдек яроқсиз практика давом этмоқда. Ваҳоланки, республика аҳолисининг савдо майдонлари билан таъминланганлиги нормативнинг 70 процентини, омбор бинолари билан таъминланганлик эса 50 процентини, мол сақланадиган жойлар билан таъминланганлик эса бор-йўғи 41,7 процентни ташкил этади.

**Барча қайта ишловчи тармоқлар ва савдода социалистик мулкни ўғирлаш давом этаётганлиги Озиқ-овқат программасини бажаришга жиддий путур етказмоқда.** Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг маълумотларига кўра, шу йилнинг биринчи ярмидагина 20 мингга яқин одам майда ўғирлик учун ушланиб, улардан жуда кўп миқдордаги маҳсулот тортиб олинган. Ана шу илдиз отиб кетган иллатга қарши курашда биз, афсуски, халқ контроли органларининг қатъий ҳаракатларини сезаётганимиз йўқ.

Шуни эслатиб қўймоқчимизки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси шахсан область партия комитетларининг биринчи секретарларига, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг раисларига, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарларига, парткомлар, партия ташкилотларининг секретарларига экономиканинг социал йўналишини ўзгартириш учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини, бошланғич партия ташкилотларининг ана шу муҳим ишдаги сиёсий роли оширилишини таъминлашни топширган эди. Юқоридан кўрсатмалар келишини кутиб ўтирмай, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида тубдан тартиб ўрнатиш учун янги, охори тўкилмаган қарорларга келиш ва уларни кун сайин амалга оширавериш, ҳали ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш керак.

Ана шу ишнинг муҳимлигини, пайсалга солмай бажариш лозимлигини ва иш кўламини эътиборга олиб, шу иш юзасидан назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ В. П. Анишчев зиммасига юкланди, у тегишли раҳбарлардан ва улар бошчилик қилаётган бўлинмалардан бу вазифаларнинг бажарилишини қаттиқ талаб қилиши лозим.

Ўртоқлар! Сиёсатни конкрет одамлар амалга оширадилар. Партия сиёсатини амалга ошириш, хўжалик механизмини қайта қуриш кўп жиҳатдан одамларни танлаш, ўқитиш ва тарбиялашга боғлиқдир. Агар халқ хўжалигидаги кўпчилик мутахассислар, колхозлар, совхозлар, хизмат кўрсатиш соҳаси қайта ишлаш корхоналарининг кўпчилик раҳбарлари ҳали янгича ёндашувларни ўзлаштириб олмадилар, эскичасига ўйламоқдалар, десам катта сирни очмаган бўламан.

Сиёсий жиҳатдан актив, ғоявий жиҳатдан етук, профессионал жиҳатдан билимдон қайта қуриш меъморларини тарбиялаш муаммосини ҳал этишни бу ишга партия ташкилотларини, илмий зиёлиларни актив жалб этиб, студентлик давриданоқ бошлаш керак. Республикамизда агросаноат комплекси учун кадрлар тўртта олий ва 46 та ўрта ўқув юртида тайёрланмоқда, улар ҳар йили 5 мингга яқин мутахассис тайёрламоқдалар.

Аммо ана шу сон сифатга айланаётгани йўқ, кўпчилик ёш мутахассисларни тайёрлаш даражаси танқиддан тубан туради. Сўнгги қарийб йигирма йил мобайнида республика қишлоқ хўжалигида банд бўлган олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар сони тўрт баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳозир 150 мингга яқин ана шундай мутахассис бор. Аммо шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалик секторида сезиларли сифат янгиланиши бўлгани йўқ. Масалан, қишлоқ хўжалигидаги инженерлар сони 1980 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди ва ҳозир 15 минг кишига етди, пахтачиликдаги механизация даражаси эса сира кўтарилгани йўқ. Район бўғинини ҳам ҳисобга олганимизда ҳар бир хўжаликка 40—50 та ва бундан ҳам кўпроқ мутахассис тўғри келади, аммо мазкур хўжаликларда агротехника, зоотехника, инженерлик ва иқтисодий масалалар алмисоқдан қолган усуллар билан ҳал этилмоқда.

Бунинг боиси шундаки, студентларга баъзан қишлоқ хўжалигини китоблардангина биладиган ўқитувчилар таълим бермоқдалар. Олий ўқув юртлари ишидаги ва айниқса техникумлар ишидаги бир-бирини такрорлаш, бир-бирининг ишини адо этиш шундоқ ҳам оз бўлган кучлар ва маблағларнинг сочилиб кетишига олиб келмоқда. Олий ўқув юртлари ва техникумларда бир қанча ихтисосликлар бўйича мутахассислар қишлоқ хўжалигига зарур бўлганига қараганда икки баравар кўп тайёрланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги муаммолари билан шуғулланаётган олимларнинг кўп сонли отрядидан биз яна ҳам фаолроқ бўлишларини кутмоқдамиз. Аммо ҳозирча улар бизнинг умидларимизни оқлашаётгани йўқ. Мабодо уларга имконият берилгудек бўлса, анчагина баландпарвоз рақамларни, илмий соҳада ўзлаштирилган миллионларни, жорий этилган ишланмаларни тилга оладилар, албатта. Аммо, ўртоқлар, бу соҳадаги энг яхши ҳакам — даладаги, фермадаги, пахта заводидаги ва бошқа жойлардаги ишнинг реал аҳволидир, десам бунга қўшиласиз, албатта. Бу борада эса, афсуски, йиллар, ўн йиллар мобайнида ҳеч нарса ўзгараётгани йўқ. Бунинг устига айрим позицияларни бой бермоқдамиз.

Ўртоқлар! Озиқ-овқат программаси тақдири ҳам, умуман қайта қуриш тақдири ҳам партия комитетлари ва ташкилотларининг позициясига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. М. С. Горбачев XIX партия конференциясида қилган докладида таъкидлаганидек, партиянинг йўналтирувчи фаолиятисиз қайта қуриш ҳам сиёсий, ҳам идеологик, ҳам ташкилий жиҳатдан барбод бўлади. Амалда бунинг маъноси шуки, социалистик қурилишнинг ҳар бир участкасида партия ташкилотларининг роли белгиловчи, амалда авангард бўлиши ва бу роль шу қадар очиқ-ойдин ва зарур бўлиши керакки, халқда бу борада шак-шубҳа қолмаслиги лозим.

Дангал айтадиган бўлсак, бошланғич партия ташкилотларининг етилган социал вазифаларни ҳал этишда ана шундай даражадаги таъсирига биз ҳозирча муваффақ бўлганимиз йўқ. Конференция Тезислари муҳокама қилиниши муносабати билан кўпгина конкрет, қизиқарли таклифлар, истаклар айтилиб, активлик авжга чиққан давр ҳам конференция қўйган вазифаларни амалда рўёбга чиқариш босқичида партия қуйи звенолари жанговарлиги ва активлигининг назарда тутилган ўсишига олиб келмади.

Келинг, партия йиғилишлари протоколларига назар солайлик. Илгари бўлганидек ҳозир ҳам бу йиғилишларда кун тартиби кўпинча хира, квартал, ярим йиллик ва йиллик иш якунлари тўғрисидаги ўша-ўша «навбатдаги» масалалар муҳокама қилинмоқда. Қабул қилинган қарорлар жуда жўн бўлиб, бирон-бир кимса зиммасига аниқ вазифа юкламайди. Кўпчилик қуйи бўғинлар юқори органларга кўз тикиб, ҳар борада юқоридан кўрсатмалар келишини кутиб турищибди. Кўпчилик область, шаҳар, район партия комитетлари ҳам ўз иш усуллари ва методларини тубдан қайта қуришда, ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятнинг принципиал янги формаларини эгаллаб олишда бошланғич партия ташкилотларига ибрат бўлаётгани йўқ.

Мана, масалан, Бухоро область партия комитетини олайлик. Область партия конференциясига тайёргарлик хусусида область ташкилотларига юборилган тадбирлар эски қолипдан нусха кўтарилгандек бўлиб, тайёргарликнинг майда-чуйда босқичларини ҳам асоссиз тарзда чегаралаб қўяди. Айни вақтда бу ишда сайлаб қўйиладиган активларнинг, XIX партия конференцияси делегатларининг кенг кўламдаги иштироки, раҳбар партия органлари сайловини демократиялашдек энг асосий омил назардан қочирилган.

Ҳозирги вақтда партия кучларини қайта группалаш, ниҳоятда тажрибали ва баобрў коммунистларни ҳал қилувчи участкаларга тўплаш, қайта қуришнинг асосий йўналишларида партия таъсирини кучайтириш тадбирлари тобора катта аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи-назардан қараладиган бўлса, республика партия ташкилотларининг иши қай аҳволда?

Тошкент областида область агросаноат бирлашмасининг деҳқончиликдаги бўлинмаларининг қарийб 70 проценти, чорвачиликдаги ҳар тўрт бригада ва фермадан биттаси коллектив пудратга ўтказилган, 15 хўжаликда сарф-харажатларни ҳисобга олишнинг чек формаси жорий этилган. Аммо хўжалик механизмини қайта қуриш чоғида партиявий структурага партия ташкилотларининг таъсирини кучайтиришга қаратилган тегишли ўзгаришлар киритилаётгани йўқ. Ҳар икки чорвачилик фермасининг бирида цех партия ташкилоти ва партия группаси йўқ, ҳар саккиз фермадан биттасида бирорта ҳам коммунист йўқ. Аммо область агросаноат бирлашмасининг бошқарув аппаратида ва унинг бўлинмаларида партия аъзоларининг салмоғи 50 процентдан ҳам ортади. Бу ўринда изоҳга ҳожат йўқ.

Биз ана шу номутаносибликка қатъият билан барҳам беришимиз керак. Бошқарув системасини қайта қуриш туфайли қўли бўшаб қолаётган, катта тажриба ва юксак профессионал малакага эга бўлган коммунистларни кўпроқ қуйи партия бўғинларини, бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш учун юборилиши қоида бўлиб қолмоғи лозим.

Бу яна шунинг учун ҳам зарурки, қишлоқдаги партия ташкилотининг секретари кўпинча иродаси бўш одам бўлиб, унинг фикрига ҳеч ким қулоқ солмайди. «Бўш-баёв секретарлар» авлодини тарбиялашда кўпинча район партия комитетлари ҳам иштирок этаётганлиги ниҳоятда ташвишлидир. Улар баъзан дадил, мустақил йўл тутадиган партком секретарининг «шаштини тушириб қўйишни», унинг ишларини бадном бўлган амалга сажда қилиш қолипларига солиб қўйишни афзал кўрмоқдалар.

Битта характерли мисолни айтмоқчиман. Арнасой районидаги Рокоссовский номли совхозда партия ташкилотининг секретари ўртоқ У. Азларов билан директор ўртоқ Э. Болтаев ўртасида кескин можаро авж олди. Директор партия комитетини, унинг қарорларини ошкора менсимас, ўзи ўзбошимчалик билан кадрларни тайинлар ва лавозимидан олиб ташлаб, партия йиғилишлари ва партия комитети мажлисларига келишни ҳатто ўзига эп кўрмас эди. Энг ачинарлиси шундаки, ана шундай вазиятда район партия комитетининг эндиликда собиқ биринчи секретари Ҳ. Худойбердиев партия ташкилоти ва унинг секретарини эмас, балки ҳаддидан ошиб кетган раҳбарни қўллаб-қувватлади. Бунинг устига, район партия комитети қилдан қийиқ ахтариб, партия ташкилоти секретарини таъқиб остига олди, уни партия сафидан ўчириб юборишларига сал қолди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аралашганидан кейингина бу нохуш воқеага чек қўйилди. Область, шаҳар, район партия комитетлари ўзларининг ҳар бир юмуши билан бошланғич партия ташкилотлари ва бу ташкилотлар раҳбарларининг обрўсини мустаҳкамлашлари керак. Ҳисобот ва сайловлар чоғида бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлигига анкетадаги маълумотларга кўра, етакчи бўлганлар эмас, балки қайта қуриш илгари сурган, ўз меҳнат коллективи, ўз партия ташкилоти қўллаб-қувватлаган ҳақиқий етакчилар кўтарилиши керак.

Хўжалик кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишда партия ташкилотларининг ролини ошириш ҳам муҳим муаммолардандир.

Республикадаги колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда мутахассислик лавозимларида 41 минг нафар тажрибакор ходим ишламоқда, ўрта бўғин раҳбарлари орасида улар ярмидан кўпроқни ташкил этади. Айни вақтда ўқитиш учун жуда катта маблағлар сарфланган неча ўн минглаб дипломли мутахассислар на олий, на ўрта маълумот талаб этиладиган лавозимларда ишламоқдалар. Демак, кимнингдир қисмати мушкуллашди, кимнингдир орзуси рўёбга чиқмай қолди.

Назаримизда бундай аҳвол аввало шунинг учун сақланиб турибдики, партия ташкилотлари ҳали ҳам мутахассислардан оқилона фойдаланиш масалаларига терс қараб келмоқдалар, бу эса ўз навбатида хўжаликлар даражасида кадрларни шахсий садоқати, қариндош-уруғлигига қараб жойлаштириш асоратларининг ҳозиргача сақланиб қолиши учун замин яратди, бундай вазиятда кадрларнинг ишчанлик фазилатлари ва профессионал тайёргарлиги даражаси эмас, балки уруғ-аймоқчилик асос қилиб олинади.

Ҳар биримиз шуни англаб олишимиз керакки, ана шу иллатдан покланмас эканмиз, хўжалик кадрлари ва мутахассисларини танлаш ва жой-жойига қўйишда яроқсиз методлардан холи бўлмас эканмиз, қайта қуришда жиддий, сезиларли самараларга умид боғлай олмаймиз.

Ҳосилдорлик, технология мутахассислар, хўжалик ходимлари қўлидадир. Улар бунга жавоб берадилар ва шу иш улардан талаб этилади. Инсон, унинг позицияси, унинг маънавий дунёси эса партия ташкилотларининг иш соҳасидир. Шундай қилиб, сиз билан бизнинг вазифамиз — «инсон — қайта қуришга, қайта қуриш — инсонга» комплексидаги ўзаро ҳамжиҳатликка ишончли партиявий таъсирни таъминлайдиган механизмни яратиш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Бунинг учун эса, аввало биз одамларга уларнинг эҳтиёжлари ва талабларига синчковлик билан назар солишимиз, кабинетларда ўтиравершга интилишдан қатъиян қутилишимиз, барча партиявий-сиёсий ишни тубдан қайта қуришимиз керак.

Биз бугун Озиқ-овқат программаси муаммоларини кўриб чиқар эканмиз, мазкур программани амалга оширишдаги фавқулодда жиддий нуқсонлар ва камчиликлар кўп жиҳатдан республика Давлат агросаноат комитети марказий аппарати ва комитет раҳбарлари ишининг яроқсиз усули билан изоҳланишини пайқаб олмаслигимиз мумкин эмас. Бу ерда илгаригидек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарликнинг буйруқбозлик, бюрократик методлари авжига чиққан, қоғозбозлик, мажлисбозлик давом этмоқда. 1987 йилда қуйи бўғинлардан шундан аввалги йилдагига нисбатан 5,5 баравар кўп турли ҳисоботлар ва справкалар талаб қилинди. Қоғозлар оқими кучайиб бормоқда, шу йилнинг биринчи кварталидагина бу ердан «қуйига» 4 мингдан кўпроқ ҳужжат юборилди. Айни вақтда, текширув пайтида шу нарса аниқландики, агросаноат комплекси тузилганидан кейин чиқарилган 500 дан кўпроқ қарор ва 2,5 мингдан кўпроқ буйруқнинг бажарилишини ҳеч ким назорат қилмаяпти ва уларнинг кўпи эндиликда бирон-бир амалий аҳамиятга эга эмас.

Бу ерда коллегиянинг планда кўзда тутилган мажлисларидан ташқари ҳар ойда 12—15 марта «кичик коллегиялар» ва раис ҳузурида кенгашлар ўтказилмоқда. Жўнгина масалалар эса неча йиллардан бери ҳал қилинмаяпти. Масалан, бундан уч йил муқаддам Тошкентда Москвадаги консерва саноати институтининг 50 киши ишлайдиган бўлими тузилган эди. Аммо ҳанузгача мазкур бўлим учун бино топилгани йўқ. Қишлоқ хўжалигидаги амалдорлар сал қисилиброқ ўтиришни истамаяптилар, чоғи.

Агросаноат комитетининг партия ташкилоти ва унинг секретари ўртоқ Ю. Акмалов коммунистлар ишига зарур таъсир ўтказмаяптилар, суст ҳаракат қилмоқдалар. Ушбу партия ташкилотининг қарорларида у ёки бу тармоқ ишидаги ўпиришлар учун айбдор бўлган кишиларга принципиал баҳога ишора ҳам йўқ. Шу айтилган гаплардан Марказий Комитет Бюроси аъзолигига кандидат — Давлат агросаноат комитетининг раиси ўртоқ И. Х. Жўрабеков ҳам хулоса чиқариб олиши керак.

Ўртоқлар!

Озиқ-овқат программаси муаммолари сустлик билан ҳал этилиши сабаблари хусусида докладда қилинган таҳлил бевосита шундан далолат бериб турибдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси, унинг секретарлари ҳали ҳам етилган муаммоларни ҳал этишда Марказий Комитет аъзоларига етарлича суянмаяптилар, партия аппаратига ва умуман кадрларга етарли талабчанлик қилмаяптилар.

Ўртоқ П. В. Догонкин бошчилик қилаётган ташкилий-партиявий ишлар бўлими қайта қуриш учун курашда ҳар бир партия ташкилотини омманинг чинакам раҳбарига айлантириш йўлларини қидиришда яна ҳам собитқадам, яна ҳам топқир бўлиши керак. Бу жараён ҳозирча йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст бормоқда.

Марказий Комитет секретари ўртоқ М. Ҳ. Холмуҳамедов бошчилик қилаётган бизнинг идеология бўлинмаларимиз ҳам бунинг учун жавобгардир, ислоҳотни идеология жиҳатдан таъминлаш кўп ҳолларда ҳозирча шиор, қуруқ гап бўлиб қолмоқда, партия ташкилотлари амалда, айниқса, қалтис вазиятларда ниҳоятда ночор ва ожиз бўлиб қолмоқдалар. Ҳар қандай сафсатабозларга ва «хонаки файласуфларга» далил-исботлар билан зарба беришлари, оммани эргаштириб боришга қодир бўлган қайта қуриш ғояларини тарғиб этишнинг замонага хос ҳужумкор форма ва методларини тезроқ ишлаб чиқиш керак.

Марказий Комитет Бюросида биз ишнинг замонавий, оммага тушунарли, мароқли формаларини актив қидириш ва дадиллик билан жорий этиш зарурлигини ҳис этиб турибмиз. Масалан, Марказий Комитет раҳбарлари биринчи марта телевидение орқали гапириб, халқ билан бевосита боғландилар. Халқ буни маъқуллади, юқори баҳо берди. Энди бу иш давом эттирилиши керак.

Республика Министрлар Совети, унинг Президиуми аъзолари экономика, социал тараққиёт масалаларини ҳал этиш учун жиддийлик билан масъулиятни ўз зиммасига оладиган вақт келди. Вазифаларни белгилаб қўйиш — икки томонга боғлиқ бўлган жараёндир. Совет ва хўжалик органлари куч-ғайратларини кучайтирмаётган жойларда партия ташкилотлари куч-ғайратларини сусайтира олмайдилар.

Пировардида бутун масъулиятни зиммага олиб шуни таъкидлашни истардикки, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, социал муаммоларни ҳал этиш бу — партия шиорларининг амалий ишларда акс этишидир. Совет кишилари шунга қараб қайта қуришнинг асл муваффақиятлари ҳақида фикр юритадилар. Бу масалаларнинг ҳал этилиши ҳар бир коммунист, ҳар бир партия ташкилоти ва ҳар бир партия комитети учун ҳақиқий етуклик имтиҳони, қайта қуришни сўзда эмас, балки ишда амалга оширишга қодирлик имтиҳонидир, бу имтиҳонни бутун халқ қабул қилади.

Шу боисдан ҳам совет, хўжалик органларининг ҳар бир қарорига айниқса, экономика, социал тараққиёт соҳасидаги ҳар қандай қарорига баҳо берар экан, партия органи ўз олдига бу қарор қайта қуришнинг ҳозирги босқичдаги вазифаларига нечоғли мос келади, қайта қуришга омил бўладими, унга ёрдам берадими, ёки аксинча совет кишилари турмуши даражасини кўтаришга тўсқинлик қиладими, деган асосий саволни қўйиши керак. Назаримизда, халқ фаровонлигини ошириш жараёнига партия сиёсий раҳбарлигининг чуқур моҳияти ана шундадир. Ва ҳеч ким партия учун ана шу масалаларни ҳал қилиб бермайди. Бошланғич партия ташкилотлари, район, шаҳар, область партия комитетлари, Марказий Комитет, биз ҳаммамиз, азиз ўртоқлар, ана шу эзгу мақсад йўлида куч-ғайрат сарфлашимиз лозим.

